

УДК 621.31

ҚҰВВАТИ 100 МВТ БҮЛГАН ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИННИҢ ЙИЛЛИК ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ҲИСОБЛАШ

Мирзабеков Шерзот Мұйтанбоевич

Тошкент давлат техника университети

Электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари кафедраси, катта үқитуучи
sherezotmirzabekov@gmail.com

Әргашев Муроджон Махмуд ўғели

Тошкент давлат техника университети

Электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари кафедраси, асистент
murodjonmaxmudovich011@gmail.com

Исоев Мұхаммадали Құдраталиевич

Тошкент давлат техника университети

Электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари кафедраси, талаба
isayevmuhammadali4@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Мақолада фотоэлектр станцияда жойлашған қуёш панелларининг құвватини ҳисоблаш көлтирилген. Бұнда қуёш панелларининг ҳақиқий құввати унинг номинал құвватининг ўртаса 75-85% ни ташкил қылади. Бу бириңчи навбатда, иқлим омылларига, шунингдек, майиллик бурчагига ва ушбу модулларнинг жанубға йұналишига боғлиқ. Фотоэлектр станциясыда ишилб чиқарылуучи электр энергияси қуёш панелларининг құвватига боғлиқ бўлади.

КАЛИТ СҮЗЛАРИ: Қуёш энергетикаси, фотоэлектр станция, қуёш панели, қуёш нурланиши, фото элемент.

Қуёш энергетикаси – қуёш нурини бошқа турдаги энергияга айлантириб, ундан фойдаланиш [1-2].

Қуёш нури қуёшдан ерга түғри чизик бўйлаб тарқалади. Атмосферага етиб келганда ёруғликнинг бир қисми синади, бир қисми түғри чизик бўйлаб ерга етиб боради, бир қисми атмосфера томонидан сўрилади. Синган ёруғлик одатда диффуз нурланиш ёки диффуз нур деб аталади. Қуёш нурининг тарқалмасдан ёки ютмасдан ер юзасига этиб келган қисми түғридан-түғри нурланишdir.

Қуёш панеллари қуёшдан келаётган радиацияни электр энергиясига айлантирар экан, максимал энергия олиш учун қуёш радиацияси панель юзасига максимал даражада тик тушиши лозим. Қуёш панеллари ўрнатиладиган жой кун давомида қуёшдан келаётган энергияни максимал даражада тик ҳолатда қабул қилиши учун шароит бўлиши керак. Бунда панелларни ўрнатиш бурчаги, панеллар конфигурацияси муҳим рол ўйнайди. Панелларни ўрнатиш бурчаги жойлашған локацияда қуёшга нисбатан жойлашув ҳисобага олинади [3].

Қуёш панелларининг ҳақиқий құввати унинг номинал құвватининг ўртаса 75-85% ни ташкил қылади. Бу бириңчи навбатда, иқлим омылларига, шунингдек, майиллик бурчагига (горизонтал текислик ва қуёш панели орасидаги бурчак) ва ушбу модулларнинг жанубға (шимолий ярим шар учун) йұналишига боғлиқ. Қуёш панеллари қуёшга йўналтирилганда ва уларнинг юзаси қуёш нурларига перпендикуляр бўлганда энг самарали ҳисобланади. Қуёш панеллари қўзғалмас қилиб ўрнатилган ҳолатда жойлашганлиги сабабли улар кун давомида қуёш нурларига түғри бурчак остида жойлашмайди.

Бундай ҳолда, панелларнинг ўзлари учун бундай эгилиш бурчаги танланади, бу уларнинг қуёш нурларига энг узоқ вақт давомида түғри бурчак остида бўлишини таъминлайди. Қуёш курилмаларининг майиллигининг оптималь бурчаги ҳудуднинг кенглигига қараб танланади. Битта қуёш панелининг ҳақиқий құвватини ҳисоблаш учун биз формуладан фойдаланамиз [4-5]:



LOBACHEVSKY
UNIVERSITY

N^{*} Новосибирский
государственный
технический университет
*настоящая наука



МФТИ

$$E \text{ [кВт·с]} = \frac{I \left[\frac{\text{кВт} \cdot \text{с}}{2} \right] \cdot V \left[\frac{\text{кВт}}{2} \right] \cdot k_0 \cdot k_{\text{ном}}}{U_{\text{исп}} \left[\frac{\text{кВт}}{2} \right]} \quad (1)$$

бу ерда E - битта панелнинг ҳақиқий қуввати, [Вт]; I – горизонтал текислиқда ер юзасига тушаётган қуёш нурланишининг интенсивлиги, [$\text{kVt} \cdot \text{с}/\text{м}^2$] (белгиланган ўлчов бирликларига ўтказиш билан 2-жадвалда көлтирилган); V - битта қуёш панелининг номинал қуввати, [Вт] (Қуёш панели JA Solar JAM72D20-455/MV, 455 МВт [6]); k_0 - қуёш панелининг майиллик бурчагига ва жанубий йўналишдан оғишига қараб тузатиш коеффициенти; $k_{\text{ном}}$ – электр энергиясини конвертация қилиш ва узатишда қуёш батареясининг йўқотишларини хисобга оладиган коэффициент (0,94 га тенг деб ҳисобланади ва модул ҳароратининг қўтарилиши, қуёш панелларининг сояланиши ва ифлосланиши билан боғлиқ йўқотишларни, қуёш нурланишининг пастилиги давридаги йўқотишларни ва шунт диодларини ўз ичига олади); $U_{\text{исп}}$ - қуёш панеллари синовдан ўтказиладиган қуёш нурланишининг интенсивлиги, [$\text{kVt}/\text{м}^2$] (Қуёш панели JA Solar JAM72D20-455/MV, 455 МВт [6]).

1-жадвал.

JA Solar JAM72D20-455/MV қуёш панелининг техник параметрлари.

Номинал қувват - $P_{\text{ном}}$ (Вт)	455
Очиқ давр кучланиши - V_{OC} (В)	49.75
Қисқа туташув оқими - I_{SC} (А)	11.46
Максимал қувват кучланиши - V_{mp} (В)	41.52
Максимал қувват оқими - I_{mp} (А)	10.96
Модул самарадорлиги (%)	20

Маҳсулот кафолати: 12 йил; чизиқли чиқиш қуввати кафолати: 15 йил камида 92%; 30 йил камида 85%.

Қуёш электр станцияларда қуёш нурланишини конверциялаш жараёнида умумий энергия йўқотишларига қўйидагилар киради:

- Симлардаги йўқотишлар - 1%;
- Инвертер йўқотишлар - 3-5%;
- Фотоэлементлар ҳароратининг ошиши билан боғлиқ йўқотишлар - 2-5%;
- Қуёш радиациясининг пасть бўлган даврида қуёш батареясининг ишлашидаги йўқотишлар - 1-3%;
- Қуёш панелларининг сояланиши ва ифлосланиши билан боғлиқ йўқотишлар - 1-3% (оптимал бўлмаган йўналишда бу йўқотишлар анча юқори бўлиши мумкин);
- Шунтли диодларнинг йўқолиши - 0,5%.

Ускунанинг оптимал жойлашуви билан қуёш тизимининг 90% самарадорлиги жуда яхши деб ҳисобланади. Амалда, сифатсиз ускуналар ёки тизим компонентларини нотўғри танлаш ва бошқа омиллар туфайли умумий йўқотишлар 20-30% га этиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд.

Қуёш панелларининг ишлашини ҳисоблаш мисоли

Масалан, қўйидаги параметрларга эга қуёш фотоэлектр станциясини ҳисоблайлик:

- Қуёш панелларининг умумий номинал қуввати – 100 МВт;
- Вилоят - Навоий;
- панелни ўрнатиш 42° қиялиги ва жанубий йўналишдан 25° оғиш;
- Умумий йўқотишлар 10% га тенг олинади.



Lobachevsky
University



2-жадвал.

Ўзбекистон ҳудудларида қуёш нурланишининг кўрсаткичлари [7-8].

	Худудлар	Σq, [кВт·соат/м²]	n, [соат]
1	2	3	4
1	Республиканинг шимолида (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва Навоий вилоятининг шимолида)	1900-2100	2900-3000
2	Республика жануби (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари)	1900-1960	2950-3050
3	Фарғона водийси (Фарғона, Андикон ва Наманган вилоятлари)	1500-1550	2650-2700
4	Заравшон водийси (Самарқанд, Жиззах, Бухоро вилоятлари ва Навоий вилоятининг жануби)	1910-1980	2930-3000
5	Тошкент шаҳри	1943	2852

ФЭСларнинг кун давомида ишлаб чиқарган (генерация қилган) электр энергиясини куйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин [75. 190-194-б.]:

$$E = H_T \cdot S \cdot N \cdot \eta_{PV} \cdot \eta_{INV} \cdot [1 - \beta \cdot (T_{PV} - 25)] \cdot (1 - \lambda) \quad (2)$$

бу ерда, E - ФЭСнинг кун давомида ишлаб чиқарган электр энергияси [кВт·соат], H_T - кунлик ёки ўртacha ойлик суткалик GTI, S - ФЭПнинг нурланиши қабул қиладиган сирт юзаси [m^2], N - тизимдаги ФЭПлар сони, η_{PV} - ФЭПнинг 25 °C ФИКи, η_{INV} - ФЭПга ўрнатилган инвертернинг ФИКи, β - ФЭПнинг температура коэффициенти [$1/^\circ C$], T_{PV} - ФЭМ сиртининг ҳарорати [$^\circ C$], λ - чангланиш, ёмғир, шамол ва ток ўтказувчи симлардаги энергия йўқотишлар йигиндиси.

Умумий олганда ФЭСнинг умумий ФИКни қуйидагича аниқланади:

$$\eta_{\phi EC} = \frac{E}{H_T \cdot S \cdot N} \cdot 100\% \quad (3)$$

яъни, ФЭС ишлаб чиқарган электр энергияси миқдорини унинг сиртига тушган GTI энергиясига нисбати билан аниқланади.

Қуёш интенсивлиги харитаси маълумотларидан фойдаланиб, 4-қаторга мос келадиган 1910 кВт·соат/м² қийматини танлаймиз. Бир йиллик қуёш нурланишининг ўртacha вакти n=2930-3000 соатни ташкил этади. Қуёш энергиясининг умумий оқимини қайта ҳисоблаш учун тузатиш коеффициенти 1,10 бўлади.

$$\mathcal{E} = 1910 [\text{kVt}\cdot\text{soat}/\text{m}^2] \cdot 2930 [1/\text{йил}] \cdot 1,1 \cdot 100 [\text{MBt}] \cdot 0,9 / 1 [\text{kVt}\cdot\text{soat}/\text{m}^2] = 554000 [\text{MBt}\cdot\text{soat}/\text{йил}]$$

Қуёш панелларининг бундай ҳисоб-китоби фотоэлектр станциянинг бир йил ичida ишлаб чиқардиган ўртacha энергия миқдорини тахминан ҳисоблаш имконини беради.

Ҳисоблашдан кўриниб турибдики, Навоий вилояти Кармана туманидаги қуёш электр станциясининг йиллик ишлаб чиқардиган электр энергияси 579150 [MBt·соат/йил]ни ташкил этади. Станциянинг ҳақиқий қуввати тўғридан-тўғри қуёш нурлари миқдорининг ўзгаришига мутаносиб равишда ўзгаради.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. О.З. Тоиров., К.Т. Алимходжаев., Ш.К. Алимходжаев. Қайта тикланувчи энергия манбалари. Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқариш ва ишлатиш истиқболари. "Fan va texnologiya" нашриёти, 2019. 147-б.
2. Problems of integration of the photovoltaic power stations with the grid systems // Mirzabaev, A., Isakov, A.J., Mirzabekov, S., Makhkamov, T., Kodirov, D. // IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, 2020, 614(1), 012016.
3. The impact of renewable energy sources on power flows in the electric power system of Uzbekistan // Mirzabaev, Akram; Mirzabekov, Sherzod; Makhkamov, Temur; Soliev, Odil; Situdikov, Oskar; Kodirov, Dilshod; // AIP Conference Proceedings, 2022, 2686, 020011.
4. Мирзабеков Ш.М., Қуёш электр станцияларини марказий электр тармоғига интеграциялаш жараёнини ҳисоблаш/ “Ўзбекгидроэнергетика” илмий-техник журнали, 2021.№4(12).
5. Г.Ж. Аллаева, // Потенциал использования возобновляемых источников энергии в Республике Узбекистан // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 4, июль-августъ, 2016 йил.



TIIAME
Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers



LOBACHEVSKY
UNIVERSITY



Новосибирский
государственный
университет
*настоящая наука



Новосибирский
государственный
технический университет
НЭТИ

